

## Ўзбек муסיқали театрида актёрнинг сўз устида ишлаши ҳамда вокал ижрочилиги масаласи

Анвар МИРЗАЕВ

“Вокал” кафедраси ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбек муסיқали театрининг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиш ва ривожланиш босқишлари, узок йиллик фаолияти давомида орттирган тажрибалари, сўз устида ишлаш ҳамда вокал ижрочилиги хусусида сўз боради.

**Kalit so‘zlar:** драма, режиссёр, сахнавий образ, вокал ижрочилиги, образ, характер, ария, леберетто, драматургия, оркестр.

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о специфических особенностях узбекского музыкального театра, этапах его становления и развития, а также об опыте, накопленном за время его многолетней деятельности.

**Ключевые слова:** драма, режиссер, сценический образ, вокальное исполнение, образ, персонаж, ария, либретто, драматургия, оркестр.

**Abstract:** This article talks about the specific characteristics of the Uzbek musical theater, stages of its formation and development, and the experiences gained during its long-term activity.

**Key words:** drama, director, stage image, vocal performance, image, character, aria, libretto, dramaturgy, orchestra.

Муסיқали театр ўзбек халқининг энг севимли санъат турларидан бириди ҳисобланади. XX аср бошларида бу санъат турини шаклланиши, ривожланишида кўплаб ижодкорларнинг хизматлари катъта бўлди. Ўзбек халқининг истеъдодли адабиёт ва санъат намояндаларидан Маннон Уйғур, Гулом Зафарий, Хуршид, Юсуф қизик Шакаржонов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Ҳалима Носирова, Тўхтасин Жалилов, Комил Яшин, Миршоҳид Мироқилов, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров каби кўплаб фидойи санъаткорлар ўзбек муסיқали театрининг миллий қиёфа кашф этишида самарали меҳнат қилишди.

Маърифатпарвар жадидлар эътироф этганларидек, театр бу – ибратхона, маданият, маънавият ва маърифат ўчоғидир. Маҳмудхўжа Бехбудий театрни инсон руҳини поклагувчи – тарбия мактаби, деб бежиз айтмаган. Таникли санъатшунос олим, профессор Муҳсин Қодиров ўзбек миллий муסיқали драмасига қуйидагича таъриф беради: “Ўзбек муסיқали драмаси – кўп тармоқли, мураккаб санъат. Драма жанрида ёзилган асарни режиссёр рассом билан бамаслаҳат ўзи сахналаштириши мумкин. Аммо муסיқали драманинг матни тайёр бўлгани билан иш юришиб кетавермайди. Пьеса бастакор ихтиёрига ўтиб, мусиқа ёзилиши керак. Мана шу бир-бирига чамбарчас боғланган ва айни чоғда, нисбатан мустақил асарлар “театр қозони”га келиб тушади. Режиссёр, дирижёр, концертмейстер, балетмейстер, рассомлардан иборат ижодий гуруҳ томонидан катта иш олиб борилади. Муסיқали театрининг ўз йўналиши, ўзига хос қонуниятлари шу жараёни талаб қилади. Муסיқали драма – пьеса, шу асосда ёзилган



мусиқа ва режиссёрнинг сахнавий талқини каби уч асосий компонентдан иборат. Ана шу пьеса, мусиқа, шунингдек, балетмейстер томонидан сахналаштирилган рақслар театрнинг ижодий жамоаси, ижрочилар ва оркестр томонидан ўзлаштирилиб, сахнавий хатти-ҳаракатга айлантирилгандагина, мусиқали драма ҳосил бўлади. Яъни, сахнавий хатти-ҳаракат туфайлигина, икки йирик манбаа – пьеса билан мусиқа бир-бирини топади, бирикади, тўлдиради ва актёрлардаги имкониятларни рўёбга чиқаради, драматург билан бастакор кўзлаган ғоявий мақсад амалга ошади”<sup>1</sup>.

Кўшиқ санъати ўз замонининг руҳиятини, муаммоларини, армонларини, дардини, шунинг билан биргаликда инсон орзу-умидларини намоёиш этадиган восита сифатида пайдо бўлган. Инсонларнинг орзу-интилишлари, армону-ташвилари хатти-ҳаракатда ифодалганда томоша кўрсатувчи, яъни – ижрочи актёр истеъдоди, маҳорати асосий талаб ҳисобланган.

Мусиқали спектаклларининг асосий ютуғи – жанрнинг ҳамма шартлари асосида мусиқасининг мукамаллиги, умумий руҳиятнинг мусиқий оҳангларга бойлиги, хор, рақс, дуэт, арияларни тўла-тўқислиги-ю, тингловчи қалбини тўлқинлантириб, уни тинглашга эҳтиёж туғдира олганлиги, томошабин учун алоҳида кайфият ҳамда ҳиссиётли тасаввурларни уйғота олишидадир. Бу эса мусиқали спектакл компонентини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу боис мусиқали спектакллар драматик томошалардан эмоционал таъсири кучлилиги билан ажралиб туради.

Ўзбек мусиқали драмаси деганда, биринчи галда драма ва комедия хусусиятларига эга мусиқали драматик асарлар томошабинлар кўз ўнгиди намоён бўлади. Ўзбек мусиқали драмаси бу – энг аввало, мусиқали-нутқий жанр бўлиб, унда сўз ва мусиқа тенг ҳуқуқли, ва бир-бирини тўлдирувчи компонентлар сифатида намоён бўлади.

Европа шаклидаги янги ўзбек мусиқали театри, жумладан профессионал мусиқали драма жанрига пойдевор қўйган режиссёрлардан бири – Маннон Уйғурдир. 1920 йилда ўзбек мусиқали драмасини яратиш учун бўлган ҳаракатларда шоир ва драматург Ғулом Зафарий ва Хуршидларнинг хизмати катта. Зеро, ўз даврининг билимдон ва иқтидорли кишиларидан ҳисобланган бу икки санъаткор классик поэзияни, халқ профессионал мусиқасини яхши билган. Улар Озарбайжон мусиқий театридан андоза олиб, миллий мусиқали драма жанри пойдеворига, яъни, драматургиясига асос солишган. Илк мусиқали драмаларда, жанрнинг асосий компонентларидан бири бўлган мусиқа, миллий меросимизда мавжуд бўлган мақомлардан саралаб олиниб, спектаклларнинг ария ва дуэтлар лозим бўлган ўринларида мантиқли равишда фойдаланилган.

Мусиқали драма театрининг сахнавий ижро услубини яратишда режиссёрлар Маннон Уйғур, Зухур Қобулов, Музаффар Муҳаммедов, Жавад Обидов, актёрлардан Муҳиддин Қори Ёқубов, Абдор Қидоят, Лутфихоним Саримсоқова, Халима Носирова, Ваҳоб Азимов, Машраб Юнусовлар каби улуғ санъаткорларнинг ижро маҳорати, ижодий изланишлари, тинимсиз меҳнатлари муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Йиллар давомида миллий кифо кашф этган, профессионал ўзбек мусиқали драма театрининг шаклланиши ва оёққа туриб камол топишида бастакорлар Тўхтасин Жалилов, Георгий Мушел, Толибжон Содиков, Юнус Ражабий, Икром Акбаров, Манас Левиев каби санъаткорларнинг хизматлари катта бўлди.

“Саҳнанинг ягона шоҳи ва ҳукмрони – истеъдодли актёрдир. Драматург фикрини изҳор қиладиган ҳам, режиссёр талқинига жон киритадиган ҳам, томошабин билан

<sup>1</sup> М.Қодиров. Сехр ва меҳр – Т.: Ғ.Ғулом, 1994. 6 бет



юзма-юз мулоқотда бўлиб, унга завқ-шавқ бағишлайдиган ҳам, уни фикр юритишга мажбур қиладиган ҳам актёрдир”<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, сахнанинг султони бўлмиш актёр билан томошабинлар ўртасида бевосита мулоқот бўлади. Актёрлар ўзлари ижро этаётган рол орқали томошабини маънан бойитади, кўнглини кўтаради, руҳини поклайди. Айнан маҳоратли актёр, ўз ижроси орқали бир ёки икки соат вақт мобайнида тарих ёки замонавий ҳаётдан ҳикоя қилиб, ўз ижроси орқали томошабин қалбида ўчмас из қолдириши шубҳасиз.

Муסיқали театр актёрининг драматик театр актёридан фарқи нимада? Драматик актёрни спектаклнинг темпо - ритми бошқаради. Уни ҳис қилган актёр шунга асосланиб ўз образини яратади. Драматик актёрда сўз санъати муҳим аҳамиятга эга. Муסיқали театрда муסיқа спектаклга жон бағишлайди. Муסיқа билан бойитилган асарнинг воқеалари куй ва кўшиқлар орқали бир – бири билан боғланади. Сўздан асар дунёга келади, сўздан кўшиқ яралади. Саҳнадаги қаҳрамоннинг ички изтиробни кучайиб, қувонч ёки ҳасрат чексиз бўлганда, сўз билан ифодалаб бўлмас ҳолат – кўшиқ ва куй орқали томошабинга етказиб берилади.

Муסיқали театр актёри қаҳрамон нутқи орқали дардини очади, дарднинг авж пардаларида куйлаш орқали яхлит ҳолатни саҳнада ярата олади. У саҳнада образ яратишга киришар экан, ўз қаҳрамонининг бош мақсадини ва етакчи хатти – ҳаракатини белгилаб, шу асосда ролдаги сўз ва муסיқавий қисмларнинг ўрни ва аҳамиятини аниқлаб олади. Муסיқали театр актёрининг сўздан куйга ёки куйдан сўзга ўтишда узвийликни йўқотмаслиги, унинг маҳорат даражасини белгилайди. Бу жараёнда органик ҳолат бузилса, хатти – ҳаракат изчиллиги йўқолади, ижрода сунъийлик ва юзакилик пайдо бўлади.

Муסיқали драма театри актёрлари олдида яна овоз билан боғлиқ ўзига хос мураккаб ижодий қийинчиликлар туради. Агар муסיқали спектаклда актёрнинг сайқалланган, чиройли овози бўлмаса, аъло даражада бажарилган рол ҳам аҳамиятини йўқотади. Драма театрида қаҳрамонларнинг ҳолати, ички кечинмалари таъсирли монологлар орқали ифода этилади. Айни пайтда, муסיқали театрда монолог вазифасини ария бажаради. Муסיқали театр актёри образ характерини драматик ва вокал ифодаларини бир-бирига сингдириб юбориш орқали очади.

Муסיқали драмадек мураккаб синтетик санъат жанрининг пайдо бўлиши ҳам ўзбек халқининг бениҳоя бой бадиий меросга эгаллиги ва шу меросни замонавий театр тилига кўчира олувчи соҳиби талентлар борлиги билан боғлиқ. Дастлаб кичик муסיқали саҳналар тарзида кўринган бу жанр «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларининг яратилиши билан ўзбек театрида алоҳида санъат йўналиши тарзида тараққий топди. Нурхон спектаклида постановкачи режиссёр Раззоқ Ҳамроев барча компонентлар – сўз, муסיқа, тасвир, рақсни бир-бирини узвий боғлашга, образларни мураккаброқ талқин этишга интилди. Муқимий номидаги ўзбек давлат муסיқали драма театри актёрлари Маҳмуджон Ғофуров, Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев, Суръат Пўлатовлар спектаклда роль ижро этганда нутқининг тозаллиги, равонлиги билан ҳаммани таъсирлантирган. Уларнинг баъзилари дубляж қиролига айланган. Ҳамза Умаровнинг овоз тембр жуда кучли, таъсирчан бўлган, баъзи томошабинлар айнан унинг овозини эшитиш учун спектаклга келганлар. У сўзларини тингловчига етказишда нималарга эътибор қилиш ҳақида мутассил бош қотирган, ўз устида тинмай ишлаган бетакрор актёр ҳисобланади.

<sup>2</sup> О.Ризаев. Наби Раҳимов – Т.: Ғ.Фулум, 1997. 5 бет



Бугунги кунда юртимиз келажаги бўлмиш ёш авлодни ҳам маънан, ҳам руҳан баркамол қилиб тарбиялаш давлатимиз томонидан устувор вазифа қилиб белгиланган. Бу мақсад сари бошқа соҳа вакиллари каби, театр санъати ижордкорлари ҳам дадил изланишлари, давр талабларига мос сахна асарлари яратиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Республикамызда фаолият кўрсатаётган мусиқали театр жамоалари мустақиллик йилларида кўпгина ютуқларга эришди. Бу бир қатор театр жамоаларининг замон талабларига мос бадиий яхлит сахна асарларини яратиш йўлида фидойиларча қилаётган ижодий изланишларида намоён бўлади. Бунга мисол тариқасида, республикамыздаги тажрибали, вилоят мусиқали драма театрлари учун ижодий лаборатория вазифасини бажарувчи, Муқимий номидаги Республика мусиқали театрининг репертуар сиёсатини кўрсатиш кифоя. Бу муқаддас даргоҳда ўзларининг бетакрор ижролари ва яратган образлари билан халқимиз қалбидан жой олган Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Эътибор Жалилова, Турсуной Жафарова, Маҳмуджон Ғофуров, Ҳамза Умаров, Фароғат Раҳматова каби маҳорат соҳиблари ўзбек мусиқали театри анъаналарини шакллантирдилар.

Мусиқали драма актёри, ўз қаҳрамонининг ички изтиробини, қувончини ёки ҳасратини сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳолатлардагина қўшиқ ва куй орқали томошабинларга етказиб беришга интилишини ҳамма билади. Шу билан бирга мусиқали театр актёри ёлғиз ўзи ария ижро этиши орқали томошабинни ўз кечинмаларига шерик қилади, қалбини тўлқинлантиради, қўшиқ орқали қаҳрамонининг мақсадини очиб беради.

Ҳақиқий мусиқали театр санъати намунасининг мўъжизакор қудрати томошабинлар қалбини тўлқинлантириб, ҳайратлантириб, ўзлигини англашига хизмат қилиши лозим. Зеро, у томошабинларга бевосита ғоявий ва тарбиявий таъсир кўрсатади.

Кейинги йилларда мусиқали театр репертуари замонавий сахна асарлари, ёш қаҳрамон тақдирини билан боғлиқ спектакллар билан бойиди. Репертуардан ўзбек халқининг ўзига хос табиати, орзу-истаклари, миллий қиёфасини акс эттирувчи, замонавий мавзудаги, бугунги кун ёшлари ҳаётидан ҳикоя қилувчи, уларнинг ютуқ ва муаммоларини ёритиб берувчи сахна асарлари жой олмоқда. “Отабек ва Кумушбиби”, “Айрим нусхалар”, “Бахтли бўл дугонажон”, “Осмоннинг бағри кенг”, “Тўда” “Ойонам – қайнонам” каби спектаклларда театрининг бадиий қиёфаси ўз аксини топди.

Бу спектаклларда Ўзбек мусиқали театрининг ўзига хос миллий руҳдаги анъаналарга амал қилиниши кўзга ташланади. Анъаналарни сақлаб қолиш ва давом эттириб, ривожлантириш учун замон руҳига мос сахна асарлари зарурлигини англаб етган ижодкорлар, бунинг асоси миллий драматургия эканлигини тушундилар. Бунга Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асари асосидаги, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг “Отабек ва Кумушбиби” номли инсценировкасини мисол қилиш мумкин.

Асар қаҳрамонлари ўртасидаги чексиз муҳаббат, Зайнабнинг юрак дардлари, Юсуфбек ҳожининг ҳақиқий ўзбек оталарига хос ички дарди, Ўзбек ойимнинг ўзбе онасига хос орзу-ҳаваси намоён бўлади. Парда очилгандан сўнг, спектакл “қизлар базми” сахнаси билан бошланади. Тўй арафаси. Қизлар ўйин-кулгу қилишмоқда. Уларнинг ўртасида Кумуш – Зулфия Умарова ўтирибди. Бошига оқ рўмол ташлаган. Қизлар арияси ва шу арияга мос икки қизнинг хиром айлаши, базм муҳитини пайдо қилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, мусиқали драмада драматик сахналардан кўнги тўлмас ва, спектаклнинг ҳар бир сахнасида айтилган ария ва дуэтлар, уларга ҳамоҳанг ёзилган мусиқалар таҳсинга сазовордир.





Ёш истеъдодли актриса Маърифат Ортиқова, бу спектаклда Зайнаб ролини ижро этган. Саҳнада Зайнаб пайдо бўлганида, у барчага ёқади. Актриса, режиссёр томонидан берилган вазифани тўғри бажаришга, ҳаракат қилган. Ёш актрисанинг, ўз ролини имкон қадар тўғри талқин этиши томошабинларга маъқул келади. Томошабинлар Зайнабга меҳр кўяди. Унинг нозик ҳаракатлари, Отабек билан суҳбатда эрининг кўрс муомиласига мулоимлик билан жавоб беришлари, томошабин дилини яйратади.

Спектаклнинг финал саҳнаси. Бу кўриниш кинотасмаларда шу кунгача томошабинни ларзага солган энг ҳаяжонли саҳнадир. Бу руҳият мусиқали театрнинг финал саҳнасига кўчмаган. Кумушни фарзандли бўлиши аниқ бўлгани учун, махсус мосланган жойда ётибди. Бу саҳнадаги воқеалар ҳаммага маълум. Ўзбек ойим Зайнабга атала тайёрлашни буюради. Зайнаб аталага захар кўшиб, уни Кумушга беради. Кумуш эса, захар таъсиридан жон беради. Китобхонни ларзага солиб келган мазкур саҳнада, актёрларнинг ижроси етарли талқин этилмаган.


Мусиқали театрнинг ўзига хос имкониятлари бор. Бунда ижрочилар овозига, яъни ария ва дуэтларни айтиш имкониятига қараб танланади. Театр жамоаси буюк адибнинг шундай асарини мусиқали вариантини яратиб, уни саҳналаштириб, маълум маънода ютуққа эришган. Унга ёзилган ариялар таъсирли чиққан. Хусусан, “қизлар базмида” айтилган ариялар, Кумуш арияси, ёки Отабекнинг Марғилонда Кумуш билан айтилган дуэти изтиробли ва гўзал чиққан. Шунингдек, Отабекнинг спектакл финалида аламли ҳолатда айтган ариясини ҳам мисол қилса бўлади.

Мусиқали театр актёрининг образ характерини очишда драматик ва вокал ифодаларини бир-бирига сингдириб юбориш имконияти бор. Сўз ёки вокалдан биронтаси кучсиз ижро этилса, сўздан куйга ёки куйдан сўзга ўтишда органик ҳолат бузилса, хатти-ҳаракат изчиллиги йўқолади, сунъийлик ва юзакилик пайдо бўлади. Юқорида таҳлил қилган спектаклимиздаги ёш актёрлар ижросида айнан шундай ҳолатлар, яъни ариядан сўзга ўтишда тажрибасизлик кузатилади. Ёш актёрларнинг ижроси давомида қаҳрамонларнинг ички олами – драматик ҳолатларини очиб беришда, маълум сустиликлар кўришиб туради. Ҳар қандай мусиқали спектаклда – сўз, ҳаракат, драматик ҳолат, мусиқа, ижро этилаётган ария ва дуэтлар уйғунлаша олсагина, қутилган бадиий яхлитликка эришиш мумкин.

Саҳна ижодкорлари ўз томошалари билан томошабинларни маънан бойитади, руҳини поклайди, кўнглини кўтаради, эртанги кунга ишонч пайдо қилади. Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши шарт деганларидек, мусиқали театр санъатининг бўлғуси намоёндалари ҳам бу жавобгарликни ҳис қилиб, ўз устида тинимсиз изланиши, мусиқали театрнинг сир-асрорларини яхши англаган ҳолда иш тутишлари ҳозирги давр талабидир. Зеро, актёрнинг саҳнадаги бу ҳаракатларини кўрган томошабин уни ҳақиқий санъаткор деб тан олсин.

Миллий санъатимиз дарғаларининг беназир хизматлари эвазига ўзбек мусиқали драма театри санъати шаклланди ва шу кунгача ривожланиб, тараққий этишда давом этди. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, кўпчилик ўзбек режиссёрлари аслида актёр бўлишган. М.Уйғур ҳам кучли актёр бўлиб, кўплаб образлар яратган. Е.Бобожонов, Ш.Қаюмов, Р.Ҳамроев, С.Хўжаев, З.Қобуловлар режиссура бобида истеъдодли бўлишган. Негаки, улар ҳам ўз фаолиятини актёрликдан бошлашган. Муқимий театрида ҳам М.Ғофуров, С.Хўжаев, Л.Саримсоқова, Ҳ.Шариповлар ўз фаолиятини мусиқали театр актёри бўлиб бошлашган. Бу эса мусиқали театр такомиллиги хизмат қилди.

Албатта, мусиқий театрда фаолият юритишни мақсад қилган актёрга масъулият янада кўпроқ юкланади. Мусиқий театр актёри энг аввало, ноёб мусиқий овозга эга бўлиши, спектаклдаги арияларни маромига етказиб куйлай олиши, юқори даражада саҳна нутқи маҳоратини эгаллаган бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам, мусиқали театр



санъати соҳасида ана шундай ноёб хусусиятларга эга бўлган ёш, иқтидорли ижодкорларга ҳамisha эҳтиёж юқори бўлиб келган.

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри фаолиятида бугунги кунда кўзга ташланаётган ижобий жараёнлар билан бирга, баъзи камчилик ва нуқсонлар ҳам кўзга ташланади. Аксарият спектаклларда фонограммадан фойдаланишдек касалликнинг авж олиб бораётгани, сахна нутқида масъулиятсизлик билан, беписанд қаралаётганлиги, актёрларнинг ҳам жисмоний, ҳам профессионал чархланиб боришларида сусткашлик ва бефарқликка йўл қўйилаётганлиги, спектаклларнинг назоратсиз қолдирилаётганлиги ташвишга солади. Бу камчилик ва нуқсонлардан холи бўлишга интилиш, ижодий жамоа фаолиятини доимий таҳлил қилиб бориш эртанги кун мусиқали театр санъатининг истиқболини таъминлашда, энг муҳим, устувор вазифалардан ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Жабборов А. Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. – Т.: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1999.
2. Ҳамидова М. Ҳалима Носирова. Т.: Фан. 1998.
3. Абдуллаева О. Мусиқа ва ҳаёт фалсафаси. Т.: 1998.
4. Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. Т.: Шарқ. 1997.
5. Аҳмедов М. Дони Зокиров. Т.: Ибн Сино нашриёти. 1994.
6. Қодиров М. Томоша санъатлари ўтмишда ва бугун. Т.: Мумтоз сўз, 2011.
7. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1981.
8. Мамадалиев Ф. Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари. Т.: Янги асар авлоди. 2001.
9. Нурматов Х. Мусиқа санъати ахлоқий-эстетик тарбиянинг муҳим воситаси. – Т.: Ўзбекистон. 1989.